

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҲМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 56 (65932)
1996 йил, 7 август, чоршанбаСотувда эркин
нархда

Тарбиячи Шахноза опа Зокированинг таклифи билан навбатдаги қувноқ талбир Атланта мусобақаларига бағишланди.

— Биринчи қисмда олимпиадчиларимиз уйинлари, ютуқлари ҳақида қизиқарли хабар-

лар туплаймиз, - деди Санжар. — Иккинчи қисмида эса «Қувноқ стартлар» мусобақаси, футбол, шахмат-шашка беллашувларини утказамиз.

Санжарнинг қушимча мулоҳазалари барчага маъқул тушди. Тайёргарлик бошланди.

Белгиланган кун етиб келганда, Собит, Нилуфар, Зубайданинг тайёрлаган маълумотлари барчани қизиқтирди



ЁДДАН ЧИҚМАС БУ ДАМЛАР



ва ҳаяжонга солди. Улар орасида ҳамюртимиз, боксчи Карим Тулагановнинг Америкада қозонган муваффақияти, дзюдо кураши бўйича Армен Багдасаровнинг XXVI ёзги олимпиада совриндори бўлгани, Дилшод Ёрбековнинг галабалари, Оксана Чусовитинанинг кучли унликдан муносиб урин олганлиги ва бошқа қизиқ факт ва рақамлар бор эди.

Пойтахтимиздаги 198-мактабда ташкил этилган «Лола» мактаблараро соғломлаштириш оромгоҳи ана шундай кунгилли утмоқда. Болалар тарбиячи опалари бошчилигида шахримизнинг диққатга сазо-

вор масканларига саёҳат қилишмоқда, сайлгоҳлар, томошабоғлар, кино-театрлар, музейларни кўздан кечириб, уз таассуротларини дафтарларга ёзиб қўйишяпти. Бадий китоблар уқиб, ана шу асарлар асосида турли кечалар утказишяпти.

Ҳа, бу дамлар болалар учун бир умр ёддан чиқмас бўлиб қолади.

Суратларда: 1. Тарбиячи Шахноза опа Зокирова бошчилигида қизиқарли китоб муҳокамаси давом этмоқда. 2. Умида опа Обидова болаларга ёввойи ҳолда ўсадиган гул ва усимликлар туғрисида ҳикоя қилиб бераёпти.

Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.

«КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИДА:

Жамғарма ташаббуси билан Республика миқёсида ҳафталик утказилди. Унда ёшлар спортнинг барча турлари бўйича ўзаро мусобақалашдилар. Яроқсиз ҳолатдаги 520 та спорт майдончалари қайта тикланди. Мусобақа ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Республика прокуратураси, ички ишлар бўлими ҳамда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари иштирокида ёшлар ора-

сидаги жиноятчиликнинг олдини олишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Айни дамларда 121 та мактаб қошида ёзги соғломлаштириш дам олиш масканлари ишлаб турибди. Янгиобод шаҳрида ташкил этилган спорт оромгоҳида 100 дан зиёд бола мароқли дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашяпти.

Жамғарманинг вилоят

бўлими ташаббуси билан «Устоз ва шогирд» дастури

НИМА,

ишлаб чиқилляпти. Унга қўра Чирчиқ шаҳрида «ЎЗКТ-ЖМ» заводи ишчилари мактаблар қошида ташкил қилинган клубларга келиб, болаларга ўз ҳунарларини ургатишади.

Тажриба тариқасида иш бошлаган Тошкент тумани ёшлар марказида болалар ишлаб чиқариш чиқиндиларидан турли буюмлар ясаб, шартнома асосида болалар муассасаларига топширишяпти.

Мирзо Улуғбек номли ис-

тироҳат боғида «Ёшлик фасли — гул фасли» сайли утказилди. Шукун 2 мингдан зиёд талбир қатнашчиларига бепул хизмат

ҚАЕРДА,

курсатилди. Томошабинлар «Тошкент», «Хўжа», «Экспресс» гуруҳлари чиқишларидан завқланишди. Обиджон Асомовнинг ичкакузди ҳангомапаридан ҳузур қилишди.

Пойтахтимизда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб миллий кураш бўйича шаҳар биринчилигини утказиш тайёргарли-

ги кўрилаяпти.

Бўстонлик ички ишлар бўлими рўйхатида турувчи болалар дам оладиган ҳарбий спорт оромгоҳида ҳозир 260 нафар усмир дам олиб, туман ҳўжаликлари юмушларига кўмак

ҚАЧОН?

беришяпти. Бу ерда ҳўқўқ-тартибот ходимлари, ёзувчи ва шоирлар билан ҳам тез-тез учрашувлар утказиб турилибди. Шуниси қувончлики, ҳозиргача бу ердаги усмирларнинг 15-20 фоизи ички ишлар бўлими рўйхатидан учирлиб, ишга жойланди.

Зардушлик тугарагига қатнаша бошлаганимга уч ой туганда, онам:

— Қизалогим, энди сенга бир сирни айтай, дедилару олдимга уч хил услубда тикилган «иш»ни қуйдилар.

— Қани, буларни бир-бирдан ажрата олармикансан, қарачи, — дедилар менга синовчан тикилиб.

— Биринчисини сираям тикишни билмайдиган, иккинчи-

ҒОЛИБЛИТИМ СИРИ

сини бир оз яхши тикишга ҳаракат қилган чала чевар, учинчисини эса касбини сув қилиб ичиб юборган, ҳақиқий чевар тиккан, у сира қийналмаган, — дедим.

— Баракалла, менинг синчков қизим. Фақат бир нарсани аниқ топа олмадинг. Бу ишларнинг ҳаммасини узим тиккан-

ман. Шукур, шунга хурсандманки, сенинг қулинг чокка жуда тез урганди, — дедилар онам.

Онажоним, ҳам устозим Салима Раҳмонова туманимиз болалар ижодиёти уйида зардушлик тугарагига раҳбарлик қилдилар. Тенгдош дугоналарим билан бирга мен ҳам онажоним-

нинг ҳар бир сузлари, ургатаётган касб сирларини яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Шунинг учун ҳам мен таътилнинг биринчи ойида оромгоҳлараро утказилган «Хунар-зар» беллашувида ғолиб бўлдим. Энди билдингизми ғолибликни сирини?

Мухайё РАҲМОНОВА,
Қашқадарё вилояти,
Китоб тумани.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

қуйнига саёҳат», «Миллий уйинларимизни биласизми?», «Уткир зеҳнлилар» сингари беллашувлар дам олувчиларни ниҳоятда қизиқтирмақда.

Уқувчилар мазали таомлар тайерлаб бераётган пазандалар Мухторжон ака Маҳкамов, Исроилжон Солиев, Умиджон Сулаймонов, Раҳматилла Тургуновларга доимо раҳмат айтишяпти.

Оромгоҳда ташкил этилган футбол командаси ҳақида ҳам алоҳида гапириш мумкин. То-

«Завроқ» қишлоғи Андижон туманининг энг хушхаво, хушманзара масканларидан. «Боғишамол» болалар оромгоҳи худди шу ерда жойлашган. Бир томони Андижонсой, бир то-

«ЗАВРОҚ»

мони «Серака» ариқлари, бир томони «Қондир» адирларига туташган.

— Ёзнинг дастлабки ойида бу ерда 289 нафар бола маза қилиб дам олди, — дейди оромгоҳ бошлиғи Сойибжон Ғафуров. — Уқувчиларнинг мароқли дам олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Бунинг учун туман ҳокимлиги, шу жойдаги қатор ҳужаликлар, касаба уюшмалари қўмиталарига ташаккур айтамыз.

Оромгоҳда бош етакчи Қизлархон Ҳакимова, етакчилардан Хувайдо Мирзажонова, Шавкат Қодиров, Дилором Холматова, спорт буйича етакчи Тоҳиржон Эгамов, кутубхоначи Назирахон Турабосева сингари тadbиркор инсонларнинг ташаббуслари билан турли қизиқарли тadbирлар, кечалар, эр-таликлар уюштирилмоқда. «Уйла, изла, топ!», «Топқирлар ва билимдонлар», «Табиат

ЗАВҚЛАРИ

ҳиржон Эгамов бошчилигидаги ушбу гуруҳ яқинда тумандаги оромгоҳлар уртасида булиб утган куч синашувларда яхши натижаларга эришди.

— Оромгоҳимизнинг 0,40 гектар ери бор, — дейди бош тарбиячи Нигорахон Фозилова, — бу ерда помидор, карам, булғор қалампири, саримсоқ-пиёз кучатлари бор. Бу ерда меҳнат қилишни истовчилар учун шароит бор. Узунлиги 30 метр, эни 8 метрли ҳовуз атрофидаги уриндиқларда бемалол ҳузур қилиб дам олиш, китоб ўқиш, ҳатто ҳаёл суриш ҳам мумкин. Радио ўзгелдан эса ҳар куни эришилаётган ютуқлар баён этилади. «Завроқ» завқлари ана шундай давом этмоқда.

Жалолiddин ТУРДИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими.

ЯНА УЧРАШГУНЧА, ФАРАНГ ТЕНГДОШЛАР

— Лобар, сен французчада яхши гапирасан—а?

— Имкони борича. Нега сураб қолдинг? Узинг ҳам мендан қолишмайсану?

— Хабаринг йўқми, яқинда Ўзбекистонимизга франциялик тенгдошларимиз келишармиш.

Пойтахтимиздаги 51-мактаб ўқувчиларига бу хабар етиб келганда ёзги таътилни қоқ уртаси эди. Дарҳол болалар бир-бирларига хабар беришиб мактабга етиб келишди. Ҳадемай тайергарлик ҳам бошланиб кетди. Вазифалар тақсимланиб, тахминий савол-жавоб режалари тузилди.

Меҳмонлар етиб келган кун эса ҳақиқий тантаналарга айланди. Мезбонлар фаранг тилини чуқур ургатиладиган мактабда ўқишгани сабаб тенгдошлари билан бемалол мулоқотда

булишди. Улар уртасидаги самимий дўстлик хонадонларда, кўчалар ва хиёбонларда, шаҳримиз томошабоғларида сайр этишганда ҳам сезилиб турди. Бухоро, Самарқанд сингари тарихий шаҳарларга уюштирилган саёҳат меҳмонларга айниқса маъқул бўлди.

Орадан ун кун утгач, яна Тошкентда йиғилган хорижлик болалар: «Ўзбеклар каби меҳмондўст, оққунгил, хушчақчақ инсонлар ҳузурда булганимиздан фахрланамиз ва буни бир умрга унутмаймиз. Сизларни мамлакатимизга таклиф этамиз» дейишди улар жўнаб кетиши олдида.

Дўстлик учрашувлари якунида ўзбекистонлик ёш санъаткорлар катта концерт қуйиб беришди.

Чарос ФИЁСОВА.

Бу — қизиқ!

Голландиянинг Нейменген шаҳридаги «Грюндиг» фирмасида ишлаб чиқариладиган магнитофонлар узининг сифатлиги билан кўпчиликка манзур бўлаётганди. Шу сабаб ҳам уларни реклама қилиб, харидор кўпайтиришнинг зарурати ҳам йўқ эди. Аммо, яқинда руй берган бир ғаройиб ҳодиса мижозларнинг бу фирма маҳсулотлари хусусидаги фикрларини ўзгартириб юборди.

Яъни фирма заводига янги-гина сотиб олинган бир магнитофонни қайтариб олиб келишди. Эгасининг айтишича, магнитофон қувват олувчи батареяси булмаган, электр токига

ҒАРОЙИБ МАҲМУМОРОҲ

уланмаган ҳолатда ҳам ўз-ўзидан ишлаб кетибди. Бу «машгулот»и жонига теккач, яна ўз-ўзидан ўчиб қолибди. Бир кунги эгаси янги бир кассетага скрипка оҳангларидан езиб олибдила, бир мириқиб эшитай, деб магнитофонига қуйибди. Ундан



эса классик оҳанг урнига эгасининг дўсти билан қилган суҳбат эшитила бошлабди. Кассетани олиб, бошқа магнитофонга қуйиб қуришибди, ундан ёқимли куй тарала бошлабди. Уни яна қайтиб биринчи магнитофонга қуйишибди. Бу гал эса ундан кучукнинг ҳуриши, мушукнинг миевлашию автомобил моторининг гувиллаши эшитила бошлабди.

Шуниси ажабланарлики, магнитофон завод лабораториясида текшириб қурилганда, унинг бутунлай «соғлом» эканлиги аниқланибди.



Ўзинг ҳам жа-а оп қочасан-да!

Бундан 2-3 йил муқаддам Ўзбекистон ойнаи жаҳонида болалар уйига бағишланган курсатувни куриб, унда экран ортидан таралган ҳазин овозли қушиққа боғланиб қолган эдим. Курсатув тугаса ҳамки қушиқчи боланинг «мен она меҳрига зорман» деган ноласи қулоғим остидан кетмас эди. Охири болалар ва ўсмирлар редакциясига қўнғироқ қилиб қушиқ соҳибининг исму шарифини билишга муваффақ бўлдим. Бу Фирдавс эди. Кейинроқ радио орқали унинг «Оқ кабутар» номли қушиғини эшитдим. Бу қушиқ шиддатлироқ эди. Қушиқни эшитаётган қўз олдимда ажойиб руҳий манзара очилди. Осмонга талпинаётган юрак, замин орзусидан хушбахт дарахтлар, озода майсалар, само ишқига маҳкум хур қушлар...

Аммо негадир патлари ҳаёдай майин кабутарнинг орзуси ярадор эди бу қушиқда...

Мен кейин билдим. Фирдавснинг қўзи ожиз экан. Уни излаб топдим. Ундаги дадиллик мени қувонтирди.

— Фирдавс, қўзларингни очилишини хоҳлайсанми?

— Опа, сизга бир афсона айтиб бераман.

Қадимда бир қўзи ожиз одам бўлган экан. У мачитга бориб тиловат қилишни канда қилмас экан. Бир даҳрий қўзи ожиз одамнинг бу эътиқодидан ғаш келиб, унинг иккала оёғини синдириб, қани энди ҳам бориб курсинчи мачитга, дебди.

Ушанда ҳам қўзи ожиз одам уз уйида тиловат қилишни канда қилмабди.

Бир кун авлиё келиб, бугун мен худонинг олдида бораман, дардингни айт. Унга стказаман, дебди. Шунда қўзи ожиз одам, худога айт,

менинг оёқларимни тузатиб берсин, токи мачитга бориб тиловатимни адо этай, — деб ёлворибди.

Авлиё сурабди: нега қўзларингга шифо истамайсан?

— Эй, муҳтарам авлиё — дебди қўзи ожиз одам. Мен бу дунёда сўқир қўзларим билан яшадим, зеро у дунёда худонинг жамолини кўрурман...

Кейин шеър ёзаётганимда ҳамма нарсани уз рангида, масалан, япроқларнинг шивирини шамолда тебранаётган ҳолда қўгим келади.

Айниқса, меҳрибон онаминг қўзларини қуришни жуда-жуда истайман.

— Шеър ёзаётганимда об-разлар тасвирини бераётганимда нимага таянасан?

билан анча йиллардан буён биргамиз. У мени жуда яхши тушунади, мен уни...

Энг оғир кунда ҳамдардим, хурсанд кунларимда суҳбатдошим Комилжондан миннатдорман. Баъзан биргаликда мусиқа ёзамиз.

— Санъатга кириб келишингга ким сабабчи?

— Дадам. Мен у кишини жуда яхши кураман. Дам олиш кунлари уйимизда қушиқ оқшомлари утказамиз. Болалигимданок урфга айланган бу

ФИРДАВС:



Кўрадиган кўзим кўнглимда...

Фирдавс Нуриддинов — 1979 йил Ангрен шаҳрида туғилган. Қўзи ожиз. Қушиқ айтишни жуда яхши куради. Узи айтадиган қушиқларнинг қўнчилигини узи ёзиб, узи куй басталаган.

Яқинда бўлиб ўтган «Ўзбекистон - Ватаним» қушиқлар қўрик-танлови иштирокчиси. Мухлислари кўп.

— Кўнглимда ҳамма нарсани кураман. Суҳбатлашаман. Тасаввур қиламан. Худода шукр, ҳалигача тасаввурларим алдаганича йўқ.

— Орзуларинг ҳақида гапирсанг...

— Орзуларим жуда кўп... Энг аввал яхши бастакорим бўлишни хоҳлардим.

Тунлар ухлмасдан шеърлар ёзаман. Ҳозир қушиқ қилишга арзийдиган анча-мунча шеърларим бор. Қанийди мени тушунадиган, менга ёрдам берадиган бастакор бўлса...

— Дустинг борми?

— Албатта бор, Комилжон деган гитара чаладиган бола

одат ҳалигача бор. Дадам бошлаб берган бу одатни бутун оиламиз давом эттиряпмиз. Жумладан мен ҳам. Санъатга, қушиққа бўлган қизиқиш, ҳурмат бизнинг оилада бошқача. Дадажонимнинг орзуларини албатта ушатаман — зўр қушиқчи буламан.

— Фирдавс, ҳозир нима ҳақида уйлаяпсан?

Ватан ҳақида янги шеър ёзган эдим. Ушанга мусиқа излаяпман...

...Суҳбат учун раҳмат сенга Фирдавс. Сен мусиқа излаяпсан. Кимдир шеър, кимдир ишқ, яна кимдир дунё излаётган бу лаҳзада. Сенга ҳавасим келади.

Ҳалима АХМЕДОВА

Кўнглимдаги кўзимсан Ватан!

Мустафо Бафоев
мусиқаси,
Фирдавс Нуриддинов
шеъри.
Фирдавс Нуриддинов
ижро этади

Тушларимда кураман сени,
Қўролмаيمان сени

унгимда,
Уйғотади ҳар саҳар мени,
Курадиган кўзим-
кўнглимда.



Балоларга тузимсан
Ватан,
Кўнглимдаги кўзимсан
Ватан!

Қайлардадир яшайди
қайгу,
Яралари битмаган ҳамон,
Бизни эса асрайди мангу.
Оққушлари улмаган осмон.

Сен муқаддас сўзимсан
Ватан,
Кўнглимдаги кўзимсан
Ватан!

Боболарим руҳи қўлласин,
Хазон кўрмай ўссин
боғларинг,
Юртим сени Бахтга
йўлласин
қўнғироқлари.

Менинг ризку—
рўзимсан
Ватан,
Кўнглимдаги кўзимсан
Ватан!



ЭСКИ УЧ ТИЙИНЛИК

Рустам билан дўстлигимиз бошланиши жуда қизиқ бўлган. Бир куни Рустам бизникига келиб қўлимга бир расмни китобча тутқазди-да: «Абдул (болаликдаги тахаллусим), ма, шунинг ол. Энди биз қалин дўстмиз», — деди. Мен китобни олгандан сўнг раҳматни ҳам насиё қилиб тургандим: — «Қалин уртоқ бўлишимиз учун сен ҳам нимадир беришинг керак» — деб қолди яна. Ичимда «ҳе қурим-соқ» дедим-да, чўнтагимни кавлаб-кавлаб битта эски уч тийинлик танга топиб бердим. Шу-шу Рустам билан дўстлигимиз қалинлашгандай эди-ю, орадан уч ойча вақт утиб жанжаллашиб қолдик. Шунда Рустам: «Мен сен билан дўст бўлмайман, китобчамни қайтариб бер», — деди.

Мен-ку титилиб кетган китобчани бир амаллаб қайтариб бердим, аммо, ўзи менинг эски уч тийинлигимни топиб беролмай анчагача қийналиб юрди.

КАТАКДА

Туртинчини тугатганмиз. Рустамнинг оромгоҳга дам олгани кетганига ҳам уч кун бўлган. Менинг шу уч кундан бери қилган жанжалларим самарасиз кетди. Ойим: «Нима Рустам билан киндигинг бирми? Кейинги сафар борасан» — дейишдан нарига утмадилар.

Йиглаб утириб калламга бир фикр келиб қолди. Режамни укамга тушунтирдим.

— Мен ҳозир катакка бекиниб оламан. Сен ойимга бориб, акам қочиб кетди, оромгоҳга боришига рухсат берсангиз келаркан, — дейсан.

Лекин, тушликка бирор нарса олиб кел — ҳеч ким билмасин. Янаги йил математикадан ҳамма уй ишларингни қилиб бераман. Рагаткам ҳам сеники.

— Укам кунди-ю, аммо, тушликка ҳеч нарса олиб келмади. Қуланса ҳиддан бўғилиб кетсам ҳам утираверардим-у қорин кургур думбира чертиб қолди. Охири таслим бўлишга мажбур бўлдим. Яхшиям, таслим бўлганим, бўлмаса товуги йўқ катакда утиравериб, кечки овқатдан ҳам қолиб кетар эканман. Ишонганим — укам бўлса — 2 та конфет эвазига режамни ойимга сотиб қўйган экан.

Утган замонда бир подшо:

— Дунёда мендан ҳам зўр одам борми? — деб Жийранча чечан номли кицига айтади. Жийранча:

— Эй, тақсир. Дунёда сиздан ҳам зўр одам бор, мен топиб

БОЛА —

бераман, — дейди.

Подшо:

— Топиб бера олмайсиз, дунёда мендан зўр одам йўқ. Истаган одамимни ўлдирарман, зиндон қиламан, — дейди. Шунда Жийранча чечан подшонинг кичик углини кутариб отасининг олдида қўяди.

Бола отасига:

— Ота, сув, — дейди. Подшо тура солиб сув олиб келиб бера-

ди. Жийранча чечан қулиб утираверади. Бир вақт бола: — Ота, сут беринг, — дейди. Сут келтирадилар. Бола:

— Ота, аралаштириб беринг!

— дейди. Подшо сувни сутга аралаштириб беради. Бола:

— Ота, сувни сутдан ажратиб

ПОДШОДИР

беринг! — дейди. Шунда подшонинг жаҳли чиқиб:

— Сутни сувдан қандай ажратиб бўлади! — дейди. Бола йиглаб ҳархаша қила беради. Шунда Жийранча подшога қарайди. Подшо:

— Ҳақиқатан мен зўр эмас, бола зўр экан. Яъни, бола подшодир! — деб бекорга айтмаган эканлар, — дейди.

ЎЗ ҲАҚИНТИЗДА ЁЗА ОЛАСИЗМИ?

Болалик — инсонга берилган энг қимматбоҳ бахт, туғанмас бойлик. Унинг бегубор бебошлигига содда эркинликларни ширин хотира бўлиб муҳрланаркан, бу хотира лаззати вақт ўтган сари янада ширинлашиб, одамни ўзига тобора маҳкамроқ тортади.

Куйида ана шундай хотираларимдан айримларини ҳукмингизга ҳавола қилар эканман, зора сиз ҳам қўлингизга қалам олиб, болаликнинг ажабтовур воқеаларидан бизни ҳам баҳраманд этсангиз, деб умид қиламан.

«ЙОГА»ЧИ БУЛГАНИМ

Бир куни кишлоғимизга сайёр цирк келиб томоша курсатди. Менга томошада ёши ўзим тенги боланинг яланғоч бўлиб олиб шиша синиқлари устида курсатган уйинлари ёқиб қолди. Томошадан сўнг «Жизмонсой»дан ҳам наҳотки ёғачи чиқмаса — дея шиша синиқлари устига сакраб оёғимни кесиб олиб анча азобландим. Ўйибор-

сизлигим туфайли яра оғирлашиб Самарқанд шаҳридаги касалхоналардан бирига ётқизишди. Касалхонада мен тенги болалар куп, зеркиш бўлмайди. Олди-қочди гапларнинг охири йўқ. Шундай суҳбатларнинг бирида Рашид деган бир бола: «Мен булунгурликман, силарни уйинлар қарерда, Абдулло?» — деб сураб қолди.

Мен эса уйлаб ҳам утирмасдан: «Бизни уй Рустамларнинг уйини ёнида» — дедиму анчагача калака

бўлиб юрдим. Арзимаган нарса учун устингдан қулишса ёмон таъсир қиларкан. Ушанда уйга қайтдим энг аввало дадамдан уйимизнинг адресини сураб олдим.

МАНТИ ЕМОҚЧИ ЭДИМ...

Кузнинг бошлари эди. Ойим сеvimли таомимиз, манти пиширадиган бўлди. Мантини тайерлаётгандаёқ лабларимизни чаппиллатиб, иштаҳа билан сават устига териб қўйилган мантиларга термулиб утирдик. Ўзи шунақа бир нарсани хоҳласам акси бўлади. Уша

куни ҳам қутилмаганда уйимизга меҳмон — ойимнинг дугоналари келиб қолишди. Фақат ўзимизгагина мўлжалланган мантига энди меҳмонлар ҳам шерик.

Ойим иштаҳани қитиқловчи буг таратиб турган мантиларни лаганга жойлади-да мени чақириб: «Абдулло! Манти озроқ бўлиб қолди. Сен укаларингни уйнатиб тур. Мени уялтирма. Меҳмонлар бари-бир ейишмайди, улар кетгач ҳаммаси сенларники» — деб манти тула лаганни меҳмонхонага олиб кириб кетди.

Укаларимни уйнатаялману икки кузим меҳмонхонада, лагандаги мантилар эса борган сари камайиб бормокда. Охири сабрим чидамади. Меҳмонхонага очик деразадан урра кирдим кузларимдан ёш оқиб ойимга бақирдим: «Ойи, нимага алдайсиз!? Қаранг меҳмонларингиз ҳамма мантиларни еб қуйишяпти-ку?!

Қаҳрамон ЭШМУРОВОД.



ХАР ДОИМ БЎЛСИН ҚУЁШ!

МАНТИ ВА Масаллар

МУЗ ТОҒИ

— Мен тоғман, — деди денгизда сузиб юрган Муз тоғи.

— Шунақами? — деб қулиб қўйди офтоб.

Муз тоғи «чак-чак» терлашга тушди.

ЁМТУРНИМА ДЕЙДУ?

— Ердан буг бўлиб кутарилдим-у, булут бўлиб оламни кездим. Уекдан буюққа бекор санқийвериб зерикдим. Мана, яна жонажон еримга қайтаялман. Салом Она тупроқ!

ҚИРҚОЁҚ

— Бугун бу оёғимда юраман, эртага унисиди. Гоҳ уекқа қараб юраман, гоҳ буюққа, — деб қолди Қирқоёқ.

— Лекин барибир узоққа боролмайсан, — дейишди унга.

ҚОРА ПАШША

Хонага кириб қолган қора пашша очик деразани курмасдан, узини уекдан буюққа уриб гўнгишларди.

— Йўлингни тополмас экансан, бу ошпаёнга кириб нима қилардинг, адашган бечора...

ПАШША БИЛАН ПАРВОНА

Нега узингни утга урасан? — деди пашша парвонага. — Мендақа ширага урсангчи...

Парвона ҳамон узини утга урарди.

СОПОЛ ҚЎЗАҲИТ ДАВРОСИ

Қадимги сопол идишларни-

ниг асори — атиқхоналарда туришини эшитган сопол куза «Мен ҳам тарихда қоларканман», — деб бир иргишлади ва ногоҳ ағдарилиб чилпарчин бўлди.

Вой сопол куза-ей, тарихда қолиш осон эканми?..

САЛОМ БИЛАН АЛИК

— Салом, — деди Салом. Аммо Алик индамади. Кейинги сафар Салом ҳам индамай утди.

ТОВОҲНИМА ДЕЙДУ?

— Э, суяклар уз йўлига, бутун гавдани пировардида мен — бир парча эт кутариб тураман-а, — дерди Товон. Унинг хизмати оғир эди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Тахрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0442. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топириш вақти 19.00. Топширилади — 18.30.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилими: 700083, Тошкент шаҳри, Мабулотишлар кўчаси, 32-уй.
• Намр курсаткичи: № 64563
• Телефон: 33-44-25